



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 85 (12.146)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ўзбек Миллий академик драма театрида «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, маҳаллалар фаоллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Ф.Мирзаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жамият ижтимоий-иқтисодий соҳаларини тубдан ислоҳ этиш, баркамол авлодни вояга етказиш, халқимизнинг фаровонлигини ошириш, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши йўлида амалга оширилётган изчил ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади. Бу ҳамюртларимизнинг дунёқараши ва тафаккуридаги туб ижобий ўзгаришларда, соғлом ва мустакил фикрловчи, қатъий гражданлик позициясига эга навқирон авлоднинг жамиятга дадил кириб келишида муҳим омили бўлмоқда.

Таълим-тарбия, санъат ва маданият масканлари, ахборот-ресурс марказларининг фаолияти замон талабига бinoан такомиллаштирилмоқда. Таълим тизимининг барча бўғинларида «Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари» фани замонавий педагогик ва ахборот технологиялари асосида пухта ўқитилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 25 августда қабул қилган «Миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори ушбу йўналишдаги ишларни янги bosқичга олиб чиқиш, уларнинг ҳаётийлиги ва таъсирчанлигини янада оширишда муҳим дастурламал бўлаётди.

Республика Маънавият тарғибот маркази фаолиятида ёшларнинг ҳаётига онгли муносабатини шакллантириш, уларни миллий ҳаёт тарзидан эриш ва бегона бўлган зарарли гоёлар, «оммавий маданият»нинг салбий таъсирини ҳимоялаш масаласига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Давлатимиз сиёсатининг мазмун-моҳияти, устувор йўналишлари, ислохотларнинг халқимиз ҳаётидаги аҳамияти, қонун ҳужжатлари ва ижтимоий дастурлар хусусида тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Миллий маънавиятимизнинг қадимий илдизлари, ноёб ва бетакрор намуналари, ҳозирги ривожланиш тамойиллари ҳақида аниқ мақсадга қаратилган тарғибот ишларининг мунтазам олиб борилаётгани ёшларнинг билим ва тафаккурини янада бойитмоқда. Ватанимиз мустакиллигининг 21 йиллиги муносабати билан марказ томонидан маънавият тарғиботчилари, олимлар, санъаткорлар, спорт намояндалари иштирокчида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ўтказилаётган истиқлолимизни кўз қорачиқдек асраб-авайлаш, янада мустақамлаш, бебаҳо неъматларнинг қадрига етишга даъват этувчи учрашувлар,

ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси Молия вазирлиги ҳузурдаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси билан ҳамкорликда «Фўқароларнинг давлат пенсия таъминотининг ҳуқуқий асослари: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзусида семинар ўтказди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш, Молия вазирликлари, Молия вазирлиги ҳузурдаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг масъул ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан истиқлолнинг дастлабки кунларидан демократик ҳуқуқий давлат қуришининг беш муҳим тамойилга асосланган «ўзбек модели» ишлаб чиқилди.

Айниқса, аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламлари, биринчи навбатда, пенсионерлар ва жисмоний имконияти чекланган одамлар ҳаётининг фаровонлигини кафолатловчи кучли ижтимоий сиёсат юритиш ушбу беш тамойилнинг биридир.

1996 йили пенсия тизимини ташкил этиш, давлат ижтимоий сугуртаси бўйича мажбурий бадаллар, ажратмалар ва тўловларнинг тўлиқ йиғилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда)

маърифий тадбирлар кўлами янада кенгаймоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асаридан инсоннинг қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган барча соҳалардаги фаолиятни халқнинг маънавий эҳтиёжлари, замон талаблари асосида янада кучайтириш, янги bosқичга кўтариш алоҳида таъкидланган. Зеро, ота-она, оила ва маҳалла, миллий ғурур, ёшларнинг Ватан, жамият олдидаги бурчи ва масъу-

Жиззах ҳуқуқшунослик коллежи директори Элдор Шермонов, Самарқанд давлат университети кафедра мудири, тарих фанлари доктори, профессор Фарход Набиев, Бухоро туманидаги 53-ихтисослаштирилган мактаб-интернат директорининг ўринбосари Дилбар Ҳайитова, Самарқанд шаҳри Сузангарон тиббиёт коллежи ўқитувчиси Сирож Ҳамроев, Олмалик шаҳри маданият ва спорт ишлари бўлими мудири Турсуной Исмийминова, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмасининг Сурхондарё вилояти бўлими бошқаруви раиси Феруза Холимирзаева, Шаҳрисабз тумани Чоштепа маҳалла фўқаролар йиғини масъул котиби Рўзимурод Алиев, Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистри Самариддин Бердиев, Ўзбек Миллий академик драма театри актери Элёр Носиров, Тошкентдаги Уйғур миллий маданий маркази раиси, Республика Байналмилал маданият маркази қoшидаги «Дустилик

Юксак маънавият — энгилмас куч

МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИСИ — ЭЗГУЛИК ТАШВИҚОТЧИСИ

улияти билан боғлиқ туйғу ва тушунчаларни ёш авлод оғинга синдириш ишларини миллий ва умумбағшарий қадриятлар уйғунлиги асосида ташкил этиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Республика Маънавият тарғибот маркази Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Миллий гоё ва мафкура илмий-амалий маркази, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Республика Байналмилал маданият маркази, Ўрта махсус, касб-хўна таълими маркази билан ҳамкорликда ўтказаятган «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўрик-танлови жараёнида ушбу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. Танлов доирасида кўпчилик, айниқса, ёшларни ўз ортидан эргаштиришга қодир бўлган, улар қалби ва оғини Ватанга муҳаббат, истиқлол гоёларига садоқат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини мустақам қарор топтиришда фаоллик кўрсатаётган маънавият тарғиботчилари ишини оммалаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Республика Маънавият тарғибот маркази Фарғона вилояти Марғилон шаҳри бўлими раҳбари Дилноза Эргашева,

наволари» ансамбли бадий раҳбари Ҳалима Баротова, Миллий телерадиокорпорациянинг «Тошкент» канали «Мулоҳаза учун» кўрсатуви муаллифи, журналист Сайёра Абдуллаева жорий йилги танловда ғолиб деб топилди.

— Уқувчи-ёшлар навихолга ўхшайди, — дейди Самарқанд шаҳри Сузангарон тиббиёт коллежи ўқитувчиси Сирож Ҳамроев. — Уларнинг дунёқараши ва маънавиятини тўғри шакллантиришда маънавий тарғибот ишлари муҳим ўрин тутди. Коллежимизда ёшларга билим бериш, бўш вақтини оқилона ташкил этиш мақсадида фан, бадий ижод, спорт тўғрисидаги фаол иш олиб бормоқда. «Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари» фанини ўқитиш, музейлар, тарихий масканлар, истиқлол йилларида барпо этилган иншоотларда маърифий машғулотлар, очик дарсларни ўтказишга маънавият тарғиботчилари, маҳаллалар фаоллари, олимлар кенг жалб этилмоқда. Оила, коллеж ва маҳалла ўртасида узвий ҳамкорликнинг кенг йўлга қўйилгани ҳам маънавий-маърифий ишларни юксалтиришда яхши самаралар бермоқда.

Тадбирда танлов ғолибларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Назokat УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзбекистон темир йўллари» ДАКнинг 2012 йил биринчи чорағидаги фаолияти ва соҳада эришилаётган ютуқлар таҳлилига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманлар СОҲАДА ЭРИШИЛАЁТГАН ЮТУҚЛАР ТАҲЛИЛИ

ги ва бошқа аниқ маълумотларга эга бўлдилар.

— «Тошкент-Самарқанд» йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» поездлар ҳаракатини ташкил этиш» лойиҳаси бўйича 9,98 миллион доллар капитал маблағлар ўзлаштирилди, — дейди «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК бош менежери — бош муҳандиси Х. Ҳосилов. — 2012 йилнинг январь ойдан бошлаб «Afrosiyob» поездининг кунлик қатнови йўлга қўйилди. Бу билан мамлакатимиз меҳмонлари ва маҳаллий йўловчилар учун барча қулайликларга эга

бўлган замонавий поездлар қатнови таъминланди. Шунингдек, 187 километрлик Жиззах-Янгийер электрлаштирилган янги темир йўли қурилиши лойиҳаси ва Навоий-Учкудук-Султонувайстог — Нукус темир йўли инфраструктура объектлари қурилишини янги лойиҳаси юзасидан бир қатор ижобий сазй-ҳаракатлар амалга оширилди.

Матбуот анжуманида компания бошқаруви аъзолари, темир йўл корхона ва ташкилотлари раҳбарлари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этдилар.

НИГОРА БОЙХУЖАЕВА

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларидаги спорт мажмуаларида Мудофаа вазирлиги қўшинларининг ҳарбий-амалий ва Олимпия спорт

турлари бўйича бешинчи Умумармия ўйинлари бошланди.

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДА** «SOS Ўзбекистон Болалар маҳалласи» уюшмаси томонидан SOS Болалар

маҳаллалари ва Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида футбол турнири ўтказилди.

✓ **ОЛМАЗОР** туман ҳокимлиги Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси

билан М. Турсунхўжаева номидаги тиббиёт коллежида тумандаги академик лицей ва касб-хўна коллежлари ўқувчилари учун «Ёш оила қурувчилар» мактаби ўқув-семинари ташкиллаштирилди.

XXI сағоси АСР

Барча манбалардан олинган сунғи хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Жорий йилнинг 5-6 май кунлари Қорақалпоғистон Республикасида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида уюштирилаётган «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали бўлиб ўтади.

• Бухоро туманидаги «Спектроколор» хусусий корхонасида импорт ўрнини босувчи маҳсулот — бўёқлар таркибига қўшилаётган аралашма тайёрлаш технологияси ўзлаштирилди. Бу лойиҳани амалга оширишда банк томонидан ажратилган 50 миллион сўмлик кредитдан самарали фойдаланилди.

• «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси 1999 йили МДХ мамлакатлари авиакорхоналари томонидан таъсис этилган «Парвозлар хавфсизлиги» нотижорат ҳамкорлигининг «Парвозлар хавфсизлигини таъминлашда эришган буюк ютуқлари учун» номинацияси совриндори бўлди.

• Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Андижон вилояти кенгаши ташаббуси билан Андижон давлат университетда «Она табиатга меҳрли бўлайлик» мавзусида тадбир ўтказилди. Унда Экоҳаракат фаоллари, Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассислари, экология йўналишида фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлар раҳбарлари, университет ўқитувчилари ва талабалари иштирок этди.

• Кегайли туманида икки қаватли турак жой биноси мукамал таъмирдан чиқарилиб, 16 та ёш оилага туҳфа қилинди. Замонавий қиёфа касб этган мазкур иншоотда барча шарт-шароит яратилган.

ЖАҲОНДА

• Украина хавфсизлик хизмати Днепроретровск шаҳрида амалга оширилган портлашни уюштиришда гумон қилинаётган уч кишининг фотороботини тайёрлади.

• Американиннг учувчисиз самолётининг Покистоннинг шимолий қисмига берган зарбаси натижасида учта жангари йўқ қилинди, тўрт нафари тан жароҳатланди.

• Кеча Колумбияда автобуснинг жарга кулаб тушиши натижасида саккиз киши ҳалок бўлди, йигирмата одам жароҳатланди.

• Қаҳва истеъмол қилиш компьютер олдида узоқ ишловчи кишиларнинг кўзлари зарарланишини сезиларли даражада камайтиради экан. Бу Япониянинг Токио университети қошидаги тиббиёт маркази олимлари томонидан олиб берилган кузатишларида аниқланди.

• Америкалик олимларнинг хулосасига кўра, балиқдаги атаксантин моддаси ёрдамида юрак ва қон томир тизимини яхшилаш, ишемия, гипертония касаллиги, миокард инфаркти ва инсулт хавфини камайтириш мумкин. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, бир килограмм балиқдан бир неча миллиграмм атаксантин моддасини олиш мумкин.

• Япониянинг металлургияга ихтисослашган «Nippon Steel» корпорацияси ва «JFE» компанияси ҳамкорликда водород билан ишлайдиган печь ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Маълумотларга кўра, бу янги технологик ускуна ҳавони ифлослантирадиган карбонат ангидрид газини чиқишини ўттиз фоизга камайтиради. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, янги печи ишлаб чиқариш учун икки юз миллион АҚШ долларидан зиёд миқдорда маблағ сарфланади.

Инсон ва қонун

2011 йил давомида бу борада туман прокуратураси томонидан 4 мартаба текширишлар ўтказилган, 4 та ноқонуний қарорлар протест асосида бекор қилиниб, қонун талабларига мувофиқлаштирилган, аниқланган қонунбузиш ҳолатларини бартараф этиш борасида 5 та тақдимномалар киритилиб, 2 нафар шахслар интизомий жавобгарликка тортилган ва 47 нафар шахслар қонун талабларини бузмаслик борасида огоҳлантирилганлар. Шунингдек, тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ-манфаатларини таъминлаш ишларига ҳам муҳим эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, 2011 йилнинг февраль ойида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириб келаётган фуқаро А.Бутабаева «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилиб, АОТБ «Агробанк» Бектемир филиалидан кредит маблағи олинмишида амалий ёрдам беришни сўраган.

Унинг мурожаати туман прокуратураси томонидан банк муассасаси раҳбари иштирокида кўриб чиқилиб, 2011 йил 20 февралда банк томонидан ҳусусий тадбиркор А.Бутабаевага жами 12 миллион сўм кредит маблағи ажратиб берилган.

Шунингдек, 2011 йилнинг 21 февраль кuni яқка тартибдаги тадбиркор Дилором Тўлаганованин мурожаати асосида ўтказилган текшириш натижаси бўйича унинг манфаатларини қўлаб, Бектемир туман ДСИ, туман суд ижроичилари бўлими, туман молия бўлими ҳамда Тошкент кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозори савдо-харид корхонасидан жами 18.340.570 сўм ўндириш борасида 2011 йил 23 февралда фу-

Бектемир туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни, Юртбошимизнинг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, текширишларни янада қисқартириш, улар тақдим этидиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармон ва Қарорлари ижроси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2011 йил 9 февралдаги 87-сонли буйруғи талаблари асосида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Тадбиркорлик — прокуратура ҳимоясида

МУАММОЛАР ВАҚТИДА ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

раси, ИИБ, ҳокимият ва ДСИ раҳбарлари томонидан туман ҳокимлигининг мажлислар залида ҳар ҳафтада «Оч-ёпиқ эшиклар кuni» ўтказиб келинмоқда.

Учрашувларга тумандаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган ёки шу истакни билдираётган фуқаролар ҳам таклиф этилиб, уларга тегишли маслаҳатлар ва амалий ёрдамлар кўрсатиб келинмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида 12 мартаба «Оч-ёпиқ эшиклар кuni» ўтказилиб, уларда 195 та тадбиркорлик

субъектлари иштирок этган ва улар томонидан билдирилган 24 та муаммоли масалаларнинг барчаси ҳал этилган.

Шунингдек, туман прокуратурасида «Ишонч телефонлари» ташкил этилган бўлиб, тадбиркорлардан келиб тушаётган мурожаатларнинг ўз вақтида кўриб чиқилиши таъминланмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида «Ишонч телефонлари»га келиб тушган мурожаатларнинг барчаси қаноатлантирилган.

Масалан, 2012 йилнинг 9 март кuni тумандаги «Истиклол 159» МЧЖ раҳбари А.Ибрагимов «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилиб, ДТ «Халқ банки» Бектемир филиалидан кредит маблағи олинмишида амалий ёрдам беришни сўраган.

Унинг мурожаати туман прокуратураси томонидан банк муассасаси раҳбари иштирокида кўриб чиқилиб, 2012 йил 10 март кuni банк томонидан А.Ибрагимовга жами 19 миллион сўм кредит маблағи ажратиб берилган.

Шунингдек, туманда фаолият кўрсатувчи «Нигора-Искандар» МЧЖ раҳбари Абдуносир Ибрагимов ҳамда «Бобур-Жаҳон савдо сервис» хусусий фирмаси раҳбари Шохир Аҳмедовларнинг Бектемир туман электр тармоқлари корхона-хотимлари томонидан ноқонуний электр тармоғидан узиб қўйилганлиги тўғрисидаги мурожаатлари асосида ўтказилган ўрганишлар жараёнида уларнинг бу муаммоли масалалари ҳал этиб берилган.

Шухратилла МУҲАМЕДОВ,
Бектемир тумани прокурори, адлия катта маслаҳатчиси



Козим Ўлмасов олган сурат

Мамлакатимизда бола ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, фарзандларимизнинг қонуний манфаатларини муҳофаза этиш, энг муҳими, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Юртбошимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт», — деган сўзлари бугун болажон халқимизнинг ҳаёти мазмунига айланиб келмоқда.

БОЛАЛАР ҲУҚУҚИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Муствақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикаси қўшилган илк халқаро шартнома Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси бўлса, кейинги халқаро шартнома «Бола ҳуқуқлари» тўғрисидаги халқаро Конвенциядир. 1992 йил 9 декабрда, яъни мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинган кундан бир кун ўпиб Ўзбекистон Республикаси маъмур халқаро ҳужжатга қўшилган.

Маълумки, бола ҳуқуқлари соҳасида қонунчиликнинг асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил этади. Унга мувофиқ болада туғилгани билан ҳуқуқ ва эркинликлари вужудга келгани ҳамда у давлат томонидан қаролатланади.

2008 йил 7 январда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Қонуннинг мақсади бола ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Фарзандларнинг яшashi, камол топиши учун оила бирдан-бир макон ва табиий муҳит бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 2-моддасида асосан, бола туғилган ва яшаб турган оилга унинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолга етиши ҳақида ғамжўрлик қилиш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаси юклатилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов бола тарбияси ҳақида шундай таъкидлаган эди: «Ҳар бир оқил инсоннинг ва жамиятимизнинг муқаддас вазифаси, аймиш мумкинчи ҳаётнинг маъносини қриб фарзандлар ўстириш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукамил қилиб тарбиялаш, камолини кўриш, ота-онасига, Ватанига садоқатли кишилар этиб воёга етказишдан иборатдир». Шунинг учун ҳам ота-оналар болаларни Ватанга солик, меҳнат-севар, ишбилармон ва жамият қурилишининг фаол иштирокчилари қилиб тарбиялашлар лозим. Болаларни тўғри тарбиялашда ҳуқуқий нормаларни билиш, давлат ва унинг қонунларини ҳурмат қилиш ҳам муҳим роль ўйнайди.

Ҳуқуқий нормалар ёш авлодни меҳнатга тўғри муносабатда бўлиш, давлат ва жамият олдидидаги ўз бурчларини тўғри тушуниш ва уни оқимай амалга ошириш руҳида тарбиялади.

Жумладан, ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг болаларига таълим-тарбия беришга оид ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулиятлари Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 27 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонунда ҳам белгилаб берилган.

Воёга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари, — дейилади Қонуннинг 30-моддасида, боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабга, умумий ўрта, ўрта махсус касб ҳунар таълими олинмиши учун жавобгардирлар.

Шу билан бирга ота-онаси тарбиясидан маҳрум бўлган воёга етмаган болаларнинг оилда тарбияланиш ҳуқуқини таъминлаш вазифаси ва ҳимойлик органлари зиммасига юкланади. Вазифалик органлари органилари ота-оналари тарбиясидан маҳрум бўлган воёга етмаган болаларни фарзандликка бериш, оилга тарбияга беришлари уларнинг оилда тарбияланиш ҳуқуқидан фойдаланишлари таъминлайди.

Бола дунёга келган, уни тўғри тарбиялашда, онга ҳуқуқий маданиятни ўстиришда оила, боғча, мактаб, маҳалла ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини яратиш боланинг ҳуқуқий билим савиясини оширишга ёрдам беради.

Дарҳақиқат, ёшларга ҳуқуқий тарбия бериш шахсининг тўғри ўсиб-ўлғайишини таъминлайди, уни ҳуқуқий бурч ва вазифаларни билиб олишга, қонунларга ҳурмат билан қарашга ўргатади. Болаларга ҳуқуқий тарбия бериш бироз қийин ва айни пайтда маъсуляти вазифа ҳамдир.

Бу борада ҳудудий адлия идоралари, халқ таълими бўлимлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан биргаликда жойларда умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида мунтазам равишда «Сиз қонунчи биласизми?», «Ўз ҳуқуқини биласизми?» мавзусида вилоят кўриқ танловлари ўтказилиб келинмоқда.

Бу эса ўз навбатида, мустаҳкам пойдеворга қурилган, маънавий кадрлар устуни турувчи муствақил Ўзбекистоннинг ривожланишини таъминлайди. Шу ўринда Юртбошимизнинг «Бизнинг келажакимиз, энг ишончликимиз, мадад таянчимиз — бу ўсиб келаётган ёш авлодлардир. Мен ўзим тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва муствақиллигимиз тақдирини келажакимиз ҳам ана шу ёшлар қиёфасида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккури, мустаҳкам иродаси ва дунёқарашда қураман», деган сўзлари алоҳида аҳамият касб этади.

Шундан келиб чиқиб, буюк келажак соҳиб бўлган юртимиз ёшларини баркамол шахс қилиб тарбиялаш ҳар биримизнинг шарофати бўлишимиз эканлигини қучур англамоғимиз лозим.

Шухрат АБДУХАЛИМОВ,
Адлия вазирлиги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармасининг бош маслаҳатчиси

Йўналишсиз таксилар фаолияти тартибга солинмоқда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари ва уларнинг фаолиятини тартибга солиш, йўловчилар ташиш бўйича кўрсатилган хизматлар сифатини яхшилаш ҳамда хавфсизлигини таъминлаш мақсадида «Йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари ва уларнинг ишларини ташкил этишга қўйилган талаблари тўғрисида»ги Низом тасдиқланган.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими томонидан 2012 йил учун тасдиқланган «Тошкент шаҳри ҳудудида мулкчилик шакли, автотранспорт тури ва сизимдан қатъи назар техник жиҳатдан носоз, ноқонуний қайта жиҳозланган, белгиланган тартибда маҳаллий ҳокимият ва солиқ идораларидан рўйхатдан ўтмасдан, йўловчи ташиш автотранспорт воситаларида лицензиясиз тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларни аниқлаш, юридик ва жисмоний шахслар бўйича лицензиялаш қамровини ошириш ҳамда уларнинг фаолиятини тартибга солишга қаратилган тадбирлар режасига асосан Тошкент шаҳар ИИБнинг ИХХ бошқармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи ташиш транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти ва пойтахт туманлари давлат солиқ инспекциялари хотимлари томонидан ҳамкорликда назорат тадбирлари ўтказилмоқда.

Тошкент шаҳар Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳам ушбу йўналишда белги-

ланган тартиб ва норматив-ҳуқуқий қоидаларга амал қилиниши юзасидан аҳоли ўртасида мунтазам равишда тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Шунга қарамай, ўтказилаётган текшириш ва назорат тадбирлари жараёнида айрим фуқаролар томонидан ноқонуний тарзда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланганлик ҳолатлари аниқланмоқда.

Хусусан, ҳамкорликда ўтказилган тадбирлар натижасида Тошкент шаҳрида 2012 йилнинг 25 апрели кунига қадар ноқонуний тарзда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланаётган 789 нафар фуқаро аниқланган. Ушбу қоидабузар шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўриш учун иш суд органларига юборилган. Суд органлари томонидан 372 нафар қоидабузарга нисбатан 292,3 миллион сўм маъмурий жарима қўлланилган бўлиб, ҳозирда уларнинг 417 нафарининг ишлари кўриб чиқилмоқда.

З.ЮЛДАШЕВ,
Тошкент шаҳар ДСБ Жисмоний шахсларга солиқ солиш бошқармаси бошлиғи

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга, янада қулай шарт-шароит ва муҳит яратишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётир. Хусусан, яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектларини фаолиятини қўллаб-қувватлаш, унга солиқ имтиёзлари бериш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

лар учун белгиланган 13 минимал иш ҳақи миқдоридидаги солиқ жорий йилда 4 минимал иш ҳақи миқдоридида қилиб белгиланди. Бу эса, ўз-ўзидан оқларни ташиш хизматлари нархларига ижобий таъсир кўрсатиш билан бирга тадбир-

далининг ўз вақтида тўланиши юзасидан ҳамда солиққа оид бошқа масалалар тушунтирилади.

Таъкидлаш жоизки, яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмасдан фаолиятини амалга ошираётган

КЕНГ ИМКОНиятлар яратилмоқда

жорий йилда 3,5 минимал иш ҳақи миқдоридида, сартарошлик хизматида белгиланган 6,5 минимал иш ҳақи миқдоридидаги солиқ эса 4 минимал иш ҳақи миқдоридида, бошқа фаолият турини амалга оширувчиларга белгиланган 5 минимал иш ҳақи миқдоридидаги солиқ 2 минимал иш ҳақи миқдоридида қилиб белгиланди. Бундай қулай солиқ мажбурият натижасида қўлаб маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилиб, уларнинг сони ўтган йилнинг мис даражасида нисбатан 65,4 фоизга ошди ва улар фаолиятининг сифати янги босқичга кўтарилди.

Бундан ташқари, юқорида келтирилган қарорга биноан, оқларни автомобил транспортини ташишда 3 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автотомобиллари учун белгиланган 5,5 минимал иш ҳақи миқдоридидаги солиқ жорий йилда 2 минимал иш ҳақи миқдоридида, 8 тоннагача юк кўтариш қувватига эга автотомобиллар учун белгиланган 9 минимал иш ҳақи миқдоридидаги солиқ 3 минимал иш ҳақи миқдоридида, 8 тоннадан ортиқ юк кўтариш қувватига эга юк автотомобил-

корларга автотранспорт воситаларини янгилаш учун замин яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги Қарорига асосан, фуқаро хусусий тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш учун ўзи истиколат қилаётган туман ҳокимлиги ҳузуридида «Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш» инспекциясига мурожаат қилиши лозим. Қайд этиш жоизки, бунда у Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январдаги Қароридида белгилаб берилган фаолият турларидан бири билан шуғулланиши мумкин. Фуқаро яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, хусусий тадбиркорлик гувоҳномасини олгандан кейин 3 кун муддатда туман Давлат солиқ инспекциясига мурожаат қилиши керак. Бу ерда бўлғуси тадбиркорга амалга оширадиган фаолият тури бўйича солиқ ва нафақа ба-

Д.СУЛЙМОНОВ,
Чилонзор туман ДСИ бўлими бошлиғи ўринбосари

ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 30 декабрда қабул қилинган «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мамлакатимиз пенсия таъминоти тизимини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни бюджетдан ташқари Пенсия жағмармасидан ўз вақтида молиялаштириш ҳамда уларни тўлиқ ҳақда тўлаш, шунингдек, республика фуқароларининг пенсия таъминотида йўналтирилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни кучайтириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Фахриддин Раҳабовнинг таъкидлашича, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунчи бажариш доирасида пенсия таъминоти ва унинг ижтимоий йўналтирилганлигини таъминлаш мақсадида аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш бўйича қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Хусусан, 2011 йил 1 январдан пенсия қонунчилигида пенсиялар миқдорининг Пенсия жағмармаси маблағларини шакллантиришда фуқаролар ҳиссасига боғлиқлигини кучайтиришга қаратилган қатор ўзгаришлар киритилди. Айрим тоифадаги шахсларнинг пенсия таъминоти ҳуқуқи, иш стажини ҳисоблаб чиқишда меҳнат фаолиятининг баъзи даврларини ҳисобга олиш оптималлаштирилди.

Ижтимоий адолатни кучайтириш мақсадида ёшга доир пенсия тайинлаш учун меҳнат стажининг энг кам чегараси белгиланди. «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунчи киритилган ва 2012 йилнинг 6 январидан қучга кирган ўзгаришлар пенсия таъминоти ва унинг ижтимоий йўналтирилганлиги принципини изчил амалга оширишда ўз ифодасини топмоқда, бу ўзгаришлар натижасида ўтган даврлардаги иш ҳақини ҳозирги иш ҳақи даражасидан келиб чиқиб индексация қилиш механизми такомиллаштирилди.

Семинар қатнашчилари фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш борасидаги ишлар мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш зарурлигини таъкидлади.

Мамлакатимизда пенсионерлар ва ногиронларни аниқ манзилли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларнинг турмуш сифати ва даражасини янада ошириш, ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Семинарда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири

Транспорт

ХАЛҚАРО ЙЎНАЛИШДА ҚАТНОВЛАР

Темирйўл транспортда йўловчиларни ташиш соҳасида «Ўзтемирйўлўловчи» очик акциядорлик жамияти тадбиркорлик билан иш юритмоқда. Тезюрар поездлар қатнови билан бирга халқаро йўналишда ҳам транспорт хизмати йўлга қўйилди.

Халқаро йўналишда ҳаракатланаётган янги поездлардан 3 тасидан фойдаланилмоқда. Янги қатновнинг йўлга қўйилганлиги сабабли иш ўринлари кўпайиб, 250 та фаолият тури жорий этилди.

«Йўловчи поездлари қатновга техник ва технологик тайёрлаш» филиалида вагон кузатувчилари ва вагон бошлиқлари мутахассислиги бўйича 3 ойлик ўқув курслари ташкил этилди.

АНИҚ РЕЖАЛАР АСОСИДА

Тошкент электр таъминоти дистанцияси янги оширилган дастур асосида иш юритмоқда. «Ангрен — Тўқимачи» йўналишида темир йўлни электрлаштиришга муносиб ҳиссасини қўшишдан ташқари йўловчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш жараёнларини бажаришда ҳам дистанция жамоасининг юзи брут бўлди.

«Тўқимачи — Ангрен» хизмат кўрсатиш участкаси фаолияти самардорлигини ошириш мақсадида ҳам техник янги тадбирлар амалга оширилди.

Меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлигига доир ишлар корхона мутасаддилари томонидан назоратга олиниб, ишчи-ҳодимлар зарурий мосламалар, монтаж ускуналари, кийим-бош билан тўлиқ таъминланди.

БЕШ ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТ

Бундан беш йил муқаддам «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси томонидан Тошкент — Қарши йўналишида «Насаф» тезюрар поезди қатнови йўлга қўйилган эди. Ушбу поезд вагонлари «Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи»да қурилиб, уларнинг дизайн, техник жиҳатдан жиҳозланиши эътиборга сазовордир.

Шу билан бирга барча вагонларнинг ички қисми замонавий тарзда безатилган ва юшмоқ ўриндиклар билан жиҳозланган.

Шу кунларда «Насаф» поездининг ҳар бир қатновида 252 нафар йўловчи ўз манзилига етказилмоқда.

Ақбар АЛИЕВ

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

Хотира ва қадрлаш деганда биз, аввало, ўзимизни инсон сифатида англашни, одамийлик фазилатларини улуғлашни назарда тутамиз.

Ислон КАРИМОВ



Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган ҳар бир халқ ўз фарзандларини эҳтиром билан эслайди, хотирлайди, жангдан омон қайтган, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган ва бугун сафимизда юрган фахрийларни қадрлайди...

Ўз мустақиллигига эришган давлатлар ичида Ўзбекистон бунинг чинакам намунасини кўрсатди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йилнинг 2 мартдаги «9 майни Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисида»ги Фармони билан бу байрам моҳияти тубдан ўзгарди. Ўша йили қисқа фурсат ичида Тошкентнинг марказида Хотира майдони бунёд этилиб, унинг тўрида Мотамсаро она ҳайкали ўрнатилди. Она ҳайкали сари бора-веришда икки томонда миллий руҳдаги айвонлар ростланиб, унда Ўзбекистонимизнинг ҳар бир минтақаси учун Хотира китоби ташкил этилди ва уларда юртимиздан бориб, урушда ҳалок бўлган ҳар бир фуқаронинг муборак номи битиб қўйилди.

Хотира ва қадрлаш куни энди миллий хусусият касб этди. Бу байрамнинг мазмун-моҳияти кенгайиб кетди. У умумхалқ хотираси ва инсонни қадрлаш кунига айланди.

Шўро даврини бир эслалик. Ҳаммаёқда номаълум аскарнинг рамзий қабрига дуч келар эдик... Ҳолбуки, жангда ҳалок бўлган тирик жоннинг ҳеч бири номаълум эмас эди-ку! Ҳар бирининг ота-онаси, шаҳри қишлоғи, маҳалла-қўйи, қавму қариндоши, кўни-кўшниси, боринги, умр йўлдоши ёхуд севган ёри бор эди-ку!..

Ўша тузум сиёсати бу билан ҳисоблашиб ўтирмади. Очиғи, ўтган замонда курбонларни хотирлаш ҳам, тирик қолганларнинг қадрига етиш ҳам шунчаки, яъни расмийат учунгина эди, холос. Одамлар шахс сифатида эмас, омманинг таркибий қисми сифатидагина эсланарди. Ҳолбуки, ҳар қандай сиёсат ҳам, аслида, инсон учун, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун бўлиши керак эмасми?!

Инсонни, унинг табиатини менсимаслик, шахсни шахс ўрнида кўрмаслик эски мафкуранинг мағзи-мағзига сингиб кетган ақида эди. Одамга фақат сиёсий гоғялар йўлидаги бир мурватдек қаралар эди.

Энди Тошкент шаҳрининг марказида 1999 йил 9 май куни очилган Хотира майдонидagi Мотамсаро она сиймоси пойга битилган: «Сен доимо қалбимдасан, жигарим!» – деган сўзларнинг инсонийлигини, самимийлигини ўйлаб, бир юракдан ҳис этиб кўрайлик. Ҳалок бўлган тирик жон кимнингдир жигарпораси, демек, шу Ватаннинг фарзанди-ку! Ҳар бирининг ортидан қанча одам йиғлаб қолди. Умрининг сўнгги лаҳзасига қадар кўзларида ёши қуримай, ўғлини – жигарпорасини кутиб ўтган қанчадан-қанча мотамсаро она бор эди. Дахшатли урушда ҳалок бўлган ота-жонини кўрмаган, унга, лоақал, бир бора бўлсин: «Дадажон!» – деб мурожаат қилмай яшаётганлар қанча.

9 майнинг 1999 йилдан бошлаб Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиниши бизда сиёсатнинг инсонийлашганидан, давлатнинг халққа – ҳазрати инсонга қайишганидан далолат беради. Урушда ҳалок бўлган ҳар бир ўзбекистонлик – Ватанимиз фарзанди эди. Уларни ёддан чиқаришга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Истиқлол йилларида 35 жилдик «Хотира» китоби чоп этилди. Энди эса уруш курбонларининг номи мамлакат пойтахтидаги Хотира майдонига ўрнатилган муқаддас Хотира китобига зарҳал ҳарфлар билан битиб қўйилди.

Юртбошимизнинг: «Хотира ва қадрлаш деганда биз, аввало, ўзимизни инсон сифатида англашни, одамийлик фазилатларини улуғлашни назарда тутамиз», – деган қимматли сўзлари замирида ана шундай фалсафий моҳият ётибди.

Хотира майдони зиёратига келган ҳар бир ватандошимиз, албатта, ўз жигари, ҳеч бўлмаганда, бирор кўшнисининг номига дуч келади. Беихтиёр, ўтганлар руҳига тиловати дуолар қилиб, юзига фотиҳа тортади...

Ҳозир барча минтақаларимиз, айрим туманларимиз марказларида ҳам шундай хотира майдонлари барпо этилди ва бу хайрли иш изчил давом эттириляпти.

Иккинчи жаҳон урушида ўзбекистонлик 263 мингдан зиёд жангчи ҳалок бўлди, 132 минг 670 киши бедарак йўқолди, 60 минг 452 ватандошимиз урушдан ногирон бўлиб қайтди, ўн минглаб аскарлар асирликда бўлди. Хуллас, урушга сафарбар қилинганларнинг ўртача ҳар уч нафаридан бири уйига қайтмади...

Бир миллиондан ортиқ киши, жумладан, 200 минг бола Ўзбекистонга эвакуация қилинди.

Ҳар қандай урушда, модомики, икки томон курашар экан, адолатли ва адолатсиз томон бўлади. Ўзбекистон халқи Ик-

хотин-қизлар ва ёшлар иштирокида тантанали равишда топшириш вазифаси юклатилди.

Туман ҳокимлари маҳаллалар кесимида уруш қатнашчиларига пул муқофоти ва совғаларни бевосита ўзи ва ўринбосарлари бошчилигида маҳалла фаоллари, нурунийлар, хотин-қизлар вакиллари, халқ таълими муассасалари ходимлари ҳамда ёшлар билан биргаликда давлатимиз раҳбари номидан байрамонга кайфиятда тантанали равишда топшириш ишларини ташкил этиши лозим.

Белгилаб қўйилдики, ҳар бир туманда муқофотларни топшириш бўйича гуруҳлар тузилиши, ҳар бир уруш қатнашчисига қўшимча совғалар топширилиши, ёшлар номидан табриклар амалга оширилиши, ўтказилган тадбирлар ва муқофот топшириш маросимлари эсдалик учун суратга олиниши лозимдир.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар бўлими халқ таълими бош бошқармаси, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, Маънавият тарғибот маркази шаҳар бўлими билан ҳамкорликда маҳаллалар, таълим муассасалари ва ташкилотларда Хотира

УНУТИЛМАС ҚАДРИЯТ

ва қадрлаш куни муносибати билан маданий ва маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари ўтказилади. Туманлардаги барча қабристонлар, хусусан, Ҳамза туманидаги «Боткина», Чилонзор туманидаги «Дўмбиробод», Яққасарой туманидаги «Биродарлик» қабристонлари ва бошқа зиёратгоҳларда ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, жумладан, уруш қатнашчилари қабрларини обод қилиш режалаштирилди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар бўлимига барча маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан ўз худудидаги уруш қатнашчиси, фронт ортида меҳнат қилган фахрий фуқаролар ва яққа-ёлғиз қариялар хонадонларига кириб, уларни байрам билан табриклашни ташкил этиш топширилди.

Халқ таълими бош бошқармаси, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши туман ҳокимликлари билан биргаликда умумий таълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар раҳбарлари, талаба-ўқувчилар билан биргаликда муассаса ён атрофида истиқомат қилаётган уруш қатнашчилари ва фронт ортида хизмат қилган фуқароларнинг хонадонларига кириб, уларни табриклаши яъни анъанага айланган бўлади.

Касалхона ва шифохоналарда даволаётган уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган фуқароларни табриклаш ишлари тиббиёт муассасаси раҳбари бошчилигида ташкил этилади.

Уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийларни табриклаш ишларида шаҳар ҳокими ўринбосарлари, туман ҳокимлари, бош бошқарма, бошқарма бошлиқлари ҳам бевосита иштирок этади.

Хотира ва қадрлаш тушунчалари – моҳиятан бир-бирига чамбарчас боғлиқ.

Хотира ва қадрлаш кунини муносиб нишонлашдан кўзлаган бош мақсади – Ватан ҳимоячиларини хотирлаш, орамиздаги фидойий инсонларнинг, тинчликнинг қадрига етиш, осойишта яшаётганимиз, фаровонликни таъминлаш учун тер тўкиб, меҳнат қилаётганимизнинг шукронасидан иборат.

Бу ҳар қандай кишини маънан рағбатлантиради, яшашга, яратишга, элу юртга садоқат ва қатъият билан хизмат қилишга ундайди.

Султонмурод ОЛИМ,
филология фанлари номзоди

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«КО'Р TARMOQLI KO'SHMAS MULK SAVDO» МЧЖ
бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Такрорий аукцион савдосига Яққасарой тумани СИБ томонидан 10.10.2007 йилдаги ЖСХ-1-511/2007-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар, Яққасарой тумани, 1-тор Рақатбоши кўчасида жойлашган Д.Бекмухаммедовага тегишли бошлангич нархи 364 811 939 сўм 10 тийин бўлган, уй-жойнинг умумий майдони 203,70 кв.м., умумий ер майдони 325 кв.м дан иборат бўлган икки қаватли 15-уй-жой (ҳовли) қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 18 май куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10% дан кам бўлмаган миқдорда закат пулини «КО'Р TARMOQLI KO'SHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотeka банк» Шайхонтохур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 18.00 да тўхтайтилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: №0039

«КО'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошлангич баҳоси ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

1. Аукцион савдоларига Олмазор туман СИБ томонидан қўйиладиган кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2011 йил 16 декабрдаги 10-1109/18375-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш 1/2 даҳаси, Шамсутдинова кўчасидаги 9 та блоклардан иборат савдо маркази. **Бошлангич баҳоси – 2 000 000 000 сўм.**

2. Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2011 йил 16 декабрдаги 10-1109/18375-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Форобий кўчаси, 28-уй манзилида жойлашган умумий ер майдони 1064 кв.м.да қурилган 2 қаватли ва ертўлали, умумий майдони 1725 кв.м. бўлган 2006 йилда қурилган бино. **Бошлангич баҳоси – 800 000 000 сўм.**

Аукцион савдолари 2012 йил 4 июнь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 1 июнь куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувга асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини, тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги қўйиладиган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920809114, МФО:01036, ИНН:207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. Расмий сайти: www.ikms.uz Лицензия: RR-0001

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Охангарон туман СИБ томонидан 01.04.2009 й. № 2135/3-сонли ижро ҳужжатига асосан 1 суқдада 40 тонна бургунчи қайта ишлаш ва ун ишлаб чиқариш ускунаси қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси – 220 095 000 сўм. Юқоридаги мулк Тошкент вилояти, Охангарон тумани, Дўстлик қ.ф.й., Янги ҳаёт кўрғонида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 5 июнь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк 2012 йил 5 июнь куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 20 июнь куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган мулк билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтайтилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувга асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ «Ипотeka банк» Шайхонтохур филиалидаги қўйиладиган ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 1048 8730 5002, МФО: 00425, ИНН: 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй Тел.: 266-80-76.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ёнғин хавфсизлиги хизмати фахрийси, истефодаги катта сержант азиз адабонимиз Жиянбой ота Каримовни табаррук 89 ёшлари билан чин дилдан муборакбод этамиз. Падали бузрукворимиз меҳрибон ойижоним Талиха ая (84 ёш) билан бирга соғ-саломат бўлиб, фарзандлари 5 ўғил, 1 қиз, 6 кўёв-келин, 23 невара, 17 невара келин-кўёв, 46 чевара, 3 чевара-кўёв, 3 эвараларнинг, жами 104 кишилик Каримовлар сулоласининг даврасини тўлдириб, бош бўлиб юршиларини тилаймиз.

Фарзандлари ва сулола номидан истефодаги подполковник Рўзбой Каримов

Спорт янгиликлари



Мухаммад Амин (ЎзА) олган сурат

Халқаро от спорти федерацияси шафелигида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда мамлакатимиз от спорти федерацияси томонидан юртимизда мазкур спорт турини янада ривожлантириш, чавандозларимизнинг тажриба ва маҳоратини ошириш мақсадида ташкил этилган мусобақада ҳамюртларимиз билан бирга, Қозоғистон ва Қирғизистондан ўттиз нафардан зиёд спортчи голиблик учун куч синашмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантириш, ёш авлоднинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шарт-шароит яратишга қаратилаётган эътибор самарасида от спорти ҳам жадал ривожланмоқда. Пойтахтимизда от спорти бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби, шунингдек, Наманган, Андижон, Фарғона, Бухоро вилоятларидаги спорт маҳорати мактабларида халқаро мусобақаларда муносиб иштирок эта оладиган ёш чавандозлар тарбияланмоқда.

ТЎСИҚЛАРДАН ОТ САКРАТИБ...

Тошкент вилоятида от спорти бўйича жаҳон кубогининг дастлабки саралаш босқичи – Марказий Осиё лигаси бошланди.

1998 йилдан буён ўтказиб келинаётган Марказий Осиё лигасида тажрибали чавандозимиз Ғайрат Назаров конкур – отни тўсиқлардан сакратиш бўйича тўққиз марта ғалаба қозонган. Азиз Содиқов икки марта биринчи ўринни эгаллаган бўлса, Исожон Содиқов ва Умид Комилов бир мартадан голиб чиққан. 2010 йилги мусобақада Даврон Ғофуров голибликни қўлга киритди. Мусобақа доирасида ўтказиладиган «Миллатлар кубоги» жамоавий беллашувларида эса Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ўн уч мартаба зафар кучган.

диган, замонавий «Аллюр» от спорт клуби мезбонлик қилаётган мусобақанинг шахсий беллашувларида чавандозлар от спортининг конкур йўналиши бўйича баҳслашмоқда. «Миллатлар кубоги» жамоавий баҳслари ҳам ўтказилади.

Халқаро мусобақанинг дастлабки кунда чавандозлар 130 сантиметр баландликдаги тўсиқлардан от сакратиш бўйича беллашди. Қозоғистонлик Асет Толқумбеков биринчи, ўзбекистонлик Аваз Абдуҳақимов ва Бехзод Қурбонов иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллади.

Байрам АЙТМУРДОВ,
ЎЗА МУХБИРИ

БЕЛЛАШУВЛАР ЯКУНИГА ЕТДИ

Шаҳримизда мини-футбол бўйича учинчи бор ташкил этилган «Ҳаваскорлар турнири» якунига етди.

Ярим йил мобайнида ҳафтанинг дам олиш кунларида уюштирилган мазкур турнирда йигирматта ҳаваскор жамоа голиблик учун кураш олиб борди.

Муросасиз ва қизиқарли курашларга бой кечган мазкур турнир якунида голиблик Марказий банк жамоасига насиб этди. Эътиборли жиҳати, ушбу жамоа турнирнинг бош мукофотини учинчи марта қўлга киритди. Марказий банк мини-футболчилари ўтказилган 10 та учрашувнинг барчасини кўтаринки руҳда, ғалаба билан якунлашга муваффақ бўлишди.

Фахрли иккинчи ўрин Ўзбекистон Саноат-қурилиш банки жамоасига насиб этган бўлса, «Восток» командаси аъзолари учинчи ўрин билан кифояланишди.

Турнир якунида голиб ва совриндорларга совринлар, эсдалик совғалари тўхта этилди.

Япониянинг Такаяма шаҳрида қиличбозлик бўйича халқаро турнир ташкил этилди.

РУСЛАН ЛОНДОНГА БОРАДИ

Ушбу турнирда Ватанимиз шарафини Руслан Кудоев ҳимоя қилди. Қувонарли жиҳати шундаки, Руслан қиличбозликнинг шпага тури бўйича ўтказилган мусобақаларда барча рақибларидан маҳоратлироқ эканлигини исботлади ва шоҳсупанинг энг юқори поғонасини забт этди. Мазкур турнирда кучли учликдан ўрин эгаллаган спортчиларга «Лондон-2012» йўлланмаси берилди ва Р.Кудоев ҳам Олимпиадада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Шу кунгача спортнинг велососсе, дзюдо, оғир атлетика, бадий гимнастика, эркин кураш, бокс, байдарка ва каноэда эшак эшиш, таэквондо (WTF) энгил атлетика, спорт гимнастикаси, юнон-рум кураши, сузиш ҳамда қиличбозлик турлари бўйича ўтказилган халқаро турнирларда совринли ўринларни қўлга киритган бир гуруҳ спортчиларимиз ХХХ ёзги Олимпиада ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлишди.

ган ҳужумни самарали якунлаб, ҳисобни тенглаштирди — 1:1.

Иккинчи бўлим ҳам жуда қизиқарли кечди. «Локомотив» футболчилари қарши ҳужумга таяниб ҳаракат қилишди. Зайниддин Тожиёв бир неча марта «Бунёдкор» дарвозабони ҳамда ҳимоячиларини ўзининг индивидуал ҳаракатлари ҳамда хавфли ҳужумлари билан шошириб қўйди. Тонлар 1:1 ҳисобини ўзгартиришга ҳарчанд уринишмасин, дуранг натижа ўйин охиригача сақланиб қолди.

Қолган беллашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Металлург» — «Навбахор» — 0:0, «Бухоро» — «Шўртан» — 0:1, «Динамо» — «Машъал» — 2:0, «Олмалик» — «Қизилқум» — 2:2, «Насаф» — «Андижон» — 4:0. Ушбу турдан ўрин эгаллаган «Нефтчи» — «Пахтакор» учрашуви бошқа кунга қолдирилди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

ПОЙТАХТ КОМАНДАЛАРИ БЕЛЛАШДИ

«Жар» стадионига йиғилган минглаб мухлислар «Бунёдкор» — «Локомотив» жамоалари ўртасидаги мамлакат ХХI миллий чемпионатининг 5-тур баҳсига гувоҳ бўлишди.

Айтиш жоизки, ўтган турда «Навбахор» жамоасига имкониятни бой берган Миржалол Қосимов шогирдларига ҳам, жорий йилда ўз олдига юксак мақсадларни қўйган Оганесян шогирдларига ҳам ғалаба сув ва хаводек зарур эди. Шу боис ҳам учрашув ҳужумкор ва шиддатли курашларга бой, қизиқарли кечди. «Локомотив» футболчилари майдоннинг ҳар бир қарич ерида амалдаги чемпион жамоага қарши тўп учун кес-

кин кураш олиб боришди. Ҳатто учинчи дақиқада меҳмонлар ярим ҳимоячиси, Ўзбекистон олимпия терма жамоаси аъзоси Дилшод Раҳматуллаев Нестеров кўриқлаётган дарвозани аниқ нишонга олиб жамоасини ҳисобда олдинга олиб чиқди. Шундан кейин «Бунёдкор» аъзолари ҳам меҳмонлар дарвозаси томон кўп марта хавфли ҳужумлар уюштира бошлашди. Бу 15-дақиқада самара берди. Ян Козак жамоадoshiлари бошла-

Таълим

САМАРАЛИ АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

— Фанни ўрганиш давомида сервис, туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаларида технологик жараёнларни ривожлантириш ва хорижий тажрибаларни ўзлаштириш имконини беради, — дейди Тошкент ахборот технологиялари университети «Касбий таълим» кафедраси катта ўқитувчиси Нурулла Мама-

далиев. — Фанни ўқитиш давомида замонавий ўқув ва педагогик технологияларни қўллаш муҳимдир. Бунда муаммоли ва очиқ мавзулар, амалий машғулотлар, баҳс, савол-жавоб, тестлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ўқитиш жараёнида электрон почта, интернет ва матбуот орқали олинган

янги маълумот ва муаммолар ўрганилиб, хулоса чиқарилади.

Олий ўқув юртида касбий таълим йўналишида «Ахборот сервис» фани бўйича амалий машғулотлар ўтказилмоқда. Бунда орттирилган бой тажриба умумлаштирилиб, алоҳида қўлланма ҳам яратилди.

Аҳмад АББОСОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ
очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2012 йил 30 май кунни соат 11:00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибида ўтказилган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк объекти Сергели туман Суд ижрочилари бўлими томонидан савдога қўйилмоқда:

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яқкасарой туманлараро судининг 2011 йил 8 июлдаги 1-4893/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ф.М.Давлетовага тегишли, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Себзор Ц 17/18-мавзеси, 3-уй, 22-хонадонда жойлашган, умумий фойдали майдони 51,65 м.кв., яшаш майдони 32,64 м.кв. бўлган 2 хонали уй-жой.

Бошланғич нархи – 48 000 000 сўм.

Ушбу кўчмас мулк очик аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, унинг тақдирини аукцион савдоси 2012 йил 14 июнь кунни соат 11:00 да бўлиб ўтшини олдиндан маълум қиламиз.

Ушбу кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда соат 17:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар объектнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизи микдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчиси – «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улугбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МҒО: 01018, СТИР: 207126662.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: 250-19-24.

Лицензия: RR-0017.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

Ҳар кимнинг ўз ҳаёти бор.

Оиланга вақт ажратмасанг, оиланга бегонага ўхшаб қоласан.

Астойдил қилинган меҳнат бир кунни албатта рўёбга чиқади.

Ким минг бир азоб билан ўзига йўл очади, Ким очиб берилган тайёр йўлдан қоцади.

Инсон «Мен нима учун яшайман?» деган саволни вақти-вақти билан ўзига бериб туриши керак.

Фикрлаб турмасанг, занглаб қоласан.

Бир текис ҳаёт зерикарли.

Ҳамма нарсадан норози одам аслида ўзидан норози бўлади.

Бошқалардан норози одамдан аслида бошқалар ҳам рози эмас.

Умр яшаш учун берилган, нолиш учун эмас.

Орзу учун курашиш керак, Зафар учун бирлашиш.

Ким хаёлни ҳақиқатга айлантиради, Ким ҳақиқатни хаёлга.

Ким оловини тополмайди, Ким қаловини.

Болалар ўйнаб тўймайди, катталар ўйлаб.

Соддалик оддийликда.

Кимнинг сукути ҳикмат, Кимнинг ҳикмати сукут.

Ҳаётий масалаларда дарवेशлик кетмайди.

Бу дунёда унутилмайдиган нарсалар ҳам кўп.

Келажанинги мавҳумлиги кишини асабий қилиб қўяди.

Гумон имондан айиради.

Йўлини билган қанд ейди, Йўлини билмаган панд ейди.

Яхшиликнинг иси чиқар, Ёмонликнинг миси.

Уруғинг билан эмас, ҳосилингни билан мактан.

Сабр қилган ютади, Сабрсизлар йитади.

Вақтнинг ортидан югур, Бирор иш қилиб улгур.

(Давоми бор)
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

ража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 1 май Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити Тошкент шаҳрида шаҳар ҳаво муҳитида за-1 май кунни ҳаво ўзариб рарили моддаларнинг бироз туради, ёғингарчилик йиғилишига имконият бўлмайди. Шарқдан секун-яратади. Атмосферанинг дига 3-8 метр тезликда ифлосланиш даражаси 1-3 шавол эсади. Ҳарорат ке-фоиз кўнайиши тахмин часи — 13-15 даража қилинмоқда, тағмиқдори ишиқ, кундузи — 25-27 да-паст бўлади.